

Зулматларни ёритгувчи чироклар

Бисмиллахир рохманир рохим

Аллох таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин! Пайгамбаримиз хазрати Мухаммад ва ахли байтлари, саҳобалари ҳамда тобиинларга Аллох субҳанаху томонидан беҳисоб дурудуду салавотлар бўлсин!

Кейин...

Пайгамбаримиз хазрати Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга учрашиб, у кишининг даъватларига ижобат этиб, иймон келтириб ва мана шу иймон билан дунёдан ўтган зотларни саҳобалар дейилади. Ўша саҳобалар пайгамбаримиздан накл қилишган сўзларни "ҳадис" дейилади. Саҳобаларнинг ўзларидан накл қилинган сўзлар (яъни уларнинг сўзлари) ни эса "асар", деб, айтилади.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг даъватларига ижобат этган, биринчи бўлиб имон келтирган улуг саҳоба, биринчи халифа Абу Бакр Сиддик розияллоху анхудан накл қилинган бир асарда, у зот айтадилар:

«Зулматлар беишта, уларни ёритгувчи чироклар ҳам, беиштадир:

1 – Дунёга муҳаббат қўйиш зулмат, унинг чирогии эса, такводир.

2 – Гуноҳ қилмок зулмат ва унинг чирогии тавбадир.

3 – Кабр зулмат, Ла илаҳа иллаллох Мухаммадурросулulloх унинг чирогидир.

4 – Охират зулмат, унинг чирогии эса, солих амалдир.

5 – Сирот (жаҳаннам устига тортилган кўприк) зулматдир. Унга бўлган чирок, якийн – имондир». (Мунаббихот: 55-саҳифа)

Биз қуйидаги саҳифаларда у зот розияллоху анхунинг ушбу сермазмун сўзларини бақадрихол шарҳлаб беришга ҳаракат қиламиз. Аллохнинг мадади ила мақсадга шуруъ қилиб айтамикки:

Аллох таолонинг бу дунёдаги сирри-асрорларидан бири; ҳаётда карама-каршилиқни яратишидир. Бу эса, ҳаётнинг бардавом бўлиши учун муҳим сабаблардандир. Кеча билан бирга кундузни, куруқлик билан денгизни, ҳаёт ва ўлимни, қучлик ва қучсизни, газабнок ва ҳалимни, узун ва қисқани, ҳақ ва ботилни, кўр ва кўрувчини ва хоказо...ларни яратганлиги юқоридаги сўзимизнинг ёркин намунасидир. Ҳаётда бирор нарса йўқки, унинг карама-каршиси – зидди бўлмас. Демак, карама-каршилиқ ҳаёт қонунларидан бири экан.

Бинобарин: Аллох таоло ҳаётда зулмат(қоронгулик)лар билан бирга нур(ёруғлик, зиё)ларни ҳам яратди. Зулматлар икки хил: ҳақиқий ва маънавий бўлади. Ушбу икки турдаги зулматларни ёритгувчи чироклар ҳам мавжуддир. Яъни, зулматлар ҳақиқий ва

маънавий бўлгани каби, нурлар ҳам ўз навбатида хакикий ва маънавий бўлади.

Биз юкорида зикр килганимиз – Абу Бакр Сиддик розияллоху анхунинг сўзларида иккита маънавий – дунёни яхши кўриш ва гунохкорлик зулматлари ва учта хакикий – кабрдаги ва охиратдаги хамда сирот(жаханнам устига ўрнатилган кўптик)даги зулматлар ва уларни ёритувчи чироклар хакида сўз юритилади.

«1 – Дунёга мухаббат кўйиш зулмат унинг чироги эса, такводир».

• **Биринчи зулмат: Дунёга мухаббат кўйиш.**

Аллох таоло бу хаёти дунёни "Хаидид" сурасининг йигирманчи оятида мана бундай васф этади: **«Билинглари, бу хаёти дунё факат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мактаниш ва мол-дунё хамда фарзандларни кўпайтиришдир холос. (У) худди бир ёмгирга ўхшарки, унинг (ёгиши сабабли униб чиккан) ўт-ўлани дехконларни хайратга солиб (акллари банд килиб кўюр). Сўнгра у курур, бас, уни саргайган холда кўрурсиз. Сўнгра у курук чўп бўлиб колур. (Хаёти дунёнинг холи хам шундан ўзга эмасдир). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб колганлар учун) каттик азоб ва (иймон-эътикод билан ўтганлар учун) Аллох томонидан магфират ва ризолик бордир. Хаёти дунё эса факат алдагувчи матодир.**

Аллох таоло ушбу ояти каримада бу хаёти дунё нималардан иборат эканлигини ва банданинг ушбу хаёти дунёга машгул бўлиб қолиши уни охратдан ва хаёти дунёдалик чогида бажариши лозим бўлган ибодатлардан тўсиб кўйишини баён килиб бермоқда.

Имом Шавканий ушбу оятнинг тафсирида мана бу сўзларни айтганлар: «Аллох таоло (аввалги оятда) иккинчи гурух кишилар(яъни, кофирлар) томонидан содир бўлган куфр, оятларни тасдик этмай, уларни ёлгонга чикариш каби ишларни зикр килди. Кейин эса, уларнинг бу кирдикорларига асосий сабаб дунёга мойилликлари ва унинг салбий таъсири бўлгани учун хам, бу дунёни охиратга ва ундаги неъматларга асло алиштириб бўлмайдиган хакир бир нарса эканлигини баён килиб берди.

У Буюк Зот аввало хаёти дунёни ўйин-кулги деб атади. Ўйин-кулги инсонни барча хайрлик ишлардан ман килиб, умрнинг бесамар кетишига бош сабабдир. Инсонни барча худа-беҳуда ишлар билан банд килиб, ухровий ишларни амалга оширмогига тўсик бўлган омиллар барчаси ўйин-кулги каторига кўшилади.

Охират учун амал килишни кўйиб, дунёнинг зеб-зинатига берилиб кетмогимиз инкор этиб бўлмайдиган хакикатдир. Шу боис Аллох

таоло иккинчи навбатда хаёти дунёни зеб-зийнат – дунё матоси билан безаниш – деб номлади.

Учинчи навбатда эса, уни (яъни, хаёти дунёни) ўрталарингиздаги ўзаро мактаниш деб айтди. Ушбу мактаниш турликча бўлади; баъзилар кадди комати, куч-куввати билан мактанса, баъзилар мол-дунёси билан, яна бировлар насл-насаби билан мактанади. Жоҳилийят даврида араблар мана шу насл-насаб билан мактанишар – фахрланишарди.

Аллох таоло хаёти дунёга тўртинчи бора таъриф берганда уни: "мол-дунё ва фарзандларни кўпайтиришдир",— деб, зикр килди. Яъни, одамлар мол-дунё ва фарзандларни кўпайтириб, ўз гумонларича: бизлар бой, беҳожат кишилар бўлиб колдик,—деб ўйлаб, уларнинг даражаларига етмаган факир кишиларга тажир назари билан бокадилар.

Кейин Аллох субханаху бу хаёти дунёга бошка бир ташбих билан мисол келтириб айтади: «...(У) худди бир ёмгирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиккан) ўт-ўлани дехконларни хайратга солиб (акларини банд килиб кўюр). ... то оятнинг охиригача». Бу ўхшатишнинг лўнда маъноси: "Албатта хаёти дунё бир экинзорга ўхшар. Ўзининг кўкламлиги ва кўркамлиги билан унга караган хар кандай кўзни кувонтирур. Кейин эса, кўп ўтмай куп-курук бичан, сомонга айланадики, гўё у асло, мавжуд эмас эди деб ўйлайсиз". (Имом Шавкониёнинг "Фатхулқадир" номли тафсиридан баъзи ўзгартишлар билан мазмунан олинди).

Тўғри!... Бу хаёти дунёни ва ундаги барча ноз-неъматларни – барчасини Аллох таоло инсон учун яратган. Улар харом хам, макрух хам эмас. Бирок бу нарсалар охират йўлига гов бўлиб, инсонни Тўғри Йўлдан адаштирадиган бўлса, макрухлик ва харомлик томонга ўтиб қолади. Окил киши эса, ушбу неъматлардан тўғри фойдаланади. Бу неъматлар уни яралишидан асл максад бўлган "тоат-ибодат"дан ман килиб кўйишига асло йўл кўймайди. Балки, бу неъматларни у роббисига ибодат килишда, Унинг хузирида олий макомларга эришишда ўзига ёрдамчи килиб ишлатади.

• Сахобаларнинг хаёти дунёни кандай тушунганлари

Сахобайи киром розияллоху анхумлар Росулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан таълим олишган билимлари билан хаёти дунёнинг маъносини тўғри идрок этишди. Улар хаёти дунёни охиратга ўтиладиган бир йўлак деб тушинишиб, ундаги муомалаларини манашу тушунча асосида юргишишди. Хаёти дунё уларнинг охират фикридан йироклашиб қолишларига асло сабаб бўлмади. Улар дунё калбга ўрнашиб олиб, унга эгалик киладиган бўлса, бандани охират фикридан узоклаштириб юборишини яхши

тушинишарди. Чунки, у калбга хўжайин бўлиб олса, албатта уни охират йўлини кўра олмайдиган килиб кўйишини яхши англашарди. Бу хакикатни яхши билган Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам ва сахобалари дунёни оркаларига улоктириб, калбларини бу дунёнинг кирлигидан пок тутишди. Улар бу дунёга кўнгил бермай, уни тарк этишди. Балки, уни коронгу бир зиндон деб хисоблашди. Шу боис улар бу дунёдан чинакамига юз ўгиришди. Улар хам, агар хохлашса, бу хаёти дунёдаги рохат-фарогат ва кўнгилга маргуб нарсаларга эришишарди. Рахнамолари Росулulloх соллalloху алайхи ва салламга бу дунё хазиналарининг калидлари рўбару килинган пайтда хам, уни ўз ихтиёрлари билан рад килдилар. Сахобаларга хам бу дунёнинг бойликлари куйилиб келган чогида, охиратдаги насибамиздан махрум бўлиб колмайлик деб, уни тарк этишди. Бир сўз билан айтганда улар бу дунёни карор топиб турадиган жой эмас, балки, у охиратга ўтиб кетиладиган бир йўлак, у шодланиб, хотиржам яшайдиган уй эмас, балки, у мусофир киши дам олиш учун бир кўниб ўтиб кетадиган жой, бошкacha таъбир билан айтганда; ёз кунлари гохида бир кўриниб коладиган кейин тезда таркалиб кетадиган бир парча булут мисолада деб билишди. (Алфавоид/ Ибнулкайим)

• **Танбех!** Кимки, бу дунёни ўтकिनчи бир нарса, карор топиб, шод-хуррам яшаб туриладиган жой эмас, мусофир бир кўниб ўтадиган манзилгина халос деб билмай, уни ўзининг ўзгармас кароргихи деб билиб, ундаги ўйин-кулги, зеб-зийнат ва мактанишларга махлиё бўлиб ва унда мол-дунё ва фарзандларни кўпайтириб, унинг мастлигида камбагал бечораларни унитиб, охиратни ва унга тайёргарликни эсдан чиқарса шубхасизки, ундай шахс коронгизулматга кириб колади. Бу каби коронгизулматга кириб колган кишининг хеч нарсани кўра олмаслиги маълумдир. Демак, у бу хаёти дунёда хеч нарсани кўра олмайдиган аъмо(кўр) киши каби яшайди. Уни охиратга олиб борадиган Тўгри Йўлни хам топа олмайди. Аллох таоло киёмат куни уни оёгининг остини хам кўра олмайдиган аъмо (кўр) килиб тирилтирган пайтда: **«У: "Парвардорим, нега мени кўр килиб тирилтирдинг, ахир мен кўрар эдим-ку"...**» (Тоха: 125) деб колади. Шунда Аллох таоло унга, унинг бу холга тушиб колишига хаёти дунёда Аллохнинг оятларини унутганлиги сабаб бўлганлигини эслатиб: **«..."Шундай. Сенга Бизнинг оят-муъжизаларимиз келганида уларни ("кўрмадинг") – утутдинг. Бугун сен хам ана шундай "унутилурсан"»** (Тоха: 126) деб,— жавоб кайтаради.

Аллох таоло айтади: **«Кимки бу дунёда кўр-гумрох экан, бас, у Охиратда хам кўр ва бутулай йўлдан озгувчидир».** (Ал-Исро: 72)

Азиз ўқувчи! Юкорида айтган сўзларимизга эътибор берган бўлсангиз, сизга Абу Бакр Сиддик розияллоху анхунинг **"Дунёга мухаббат кўйиш зулматдир"**, деган сўзлари накадар тўгри эканлиги

намоён бўлади. Ха! Хаёти дунёнинг нималардан иборат эканлигини тўғри идрок этган улуг саҳоба Абу Бакр разияллоху анху унга муҳаббат кўйиш зулмат эканлигини айтиб, кейин у зулматни ёритгувчи чирок нимадан иборат эканлигини ҳам, баён қилиб: **"Бу зулматни ёритгувчи чирок таводир"**,— дедилар.

• Биринчи зулмат(дунёга муҳаббат кўйиш)ни ёритгувчи чирок такво

Дунёга муҳаббат кўйиш, уни охиратдан афзал деб билиш сабабли вужудга келган ва бир куни бу дунёнинг эллиг минг йилига баробар келадиган, маҳшаргоҳда – милён-милён халқлар жамланадиган охират қунида ҳақиқий зулматга айланиб, ўша куни нурсиз қолинишликка сабаб бўладиган бу қоронгу-зулмат (яъни, дунёга муҳаббат кўйишдан пайдо бўлган зулмат)ни фақатгина "Такво"дан зиё олган мунаввар чироккина тарқатиб юбора олади.

Таквонинг лугавий маъноси: "сакланиш, эҳтиёткорлик, ҳимояланиш, ўзни саклай билишдир".

Унинг шариятдаги маъноси эса: "Инсон қиёмат куни ўзига зарар бўладиган нарсалардан қаттиқ сакланишидан иборатдир". Яна бир маъноси: "Инсон ўзини Аллохнинг ризоси ва савобига етказадиган фармонларни бажариб, унга Аллохнинг азоби ва иқобини олиб келадиган манхий (ман қилинган) ишлардан узок бўлмоғидир"

• Таквонинг арқонлари (устунлари)

Алий ибн Абий Толиб розияллоху анху такво учун тўрт арқонни зикр қилганлар. Қалбларда дунёга муҳаббат кўйишдан вужудга келган қоронгу-зулматни мана шу тўрт арқон билан мустаҳкамланган таквогина тарқатиб юбора олади. У зот розияллоху анху айтадилар:

"Такво;

1—Жалил Зот Аллохдан кўркиш,

2—Танзил (Қуръон)га амал қилиш,

3—Қалил (оз)га қаноатланиш

4—Раҳил (кўчиш куни яъни, қиёмат) қунига тайёргарлик кўришдан иборатдир". Манашу тўрт иш таквонинг арқонларидир. Агар қишининг таквосида мана шу тўрт арқоннинг бирортси қам бўлиб қолса қалбидаги дунё муҳаббатидан пайдо бўлган зулматни буткул қетказа олмайди. Яъни, ундаги такво бу қоронгу-зулматни бартараф қилишда заифлик қилади.

Инсон Аллох таолодан, Унинг ҳисоб-қитобидан ва содир этилган гуноҳларга аввало шу дунёнинг ўзидаёқ, кейин қабрида сўнгра эса, охиратда берилажак жазо – азобдан кўркадиган бўлса, бу кўркув уни барча ҳаром ва шубҳали ишлардан ва унинг Аллох таолога яқинлашишга монеълик қиладиган ҳамда қийматлик вақтларини

беҳудага зойеъ килиб юборадиган барча ўйин-кулги, зеб-зийнатлардан ўзини узок тутадиган килиб қўяди. Бу кўркув уни Аллох таолонинг барча буюриқларини бажариб, кайтарикларидан йирок бўлишга ва оз нарсага қаноъатланишга ундайди. Бу кўркув уни умрини чиркин мол-дунё ва бир-неча кунлик мансаб учун сарфлаб юборишга йўл қўймайди. Инсон агар мана шу кўркувга эга бўлса, Аллох таоло талаб қилганидек ҳаёт кечиришга ҳаракат қилади. Ўлимдан кейин бошланажак қайиқий ҳаётга тайёргарлик кўра бошлайди. Бир сўз билан айтганда у инсон ҳаёти дунёга муҳаббат қўйиш сабабли вужудга келадиган қоронгу-зулматни тарқатиб, йўқ килиб юборадиган қучлик тақвога эга бўлади.

• **Тақво қучаяишининг бош сабаби**

Тақво ўзинг тўрт арқони билан биргаликда, инсон ўз нафсини ҳисоб-қитоб қилиб(тергаб) туриша билангина қучли бўлади. Чунки, инсоннинг нафси ёмонликка буюргувчидир. У ўз нафсидан хабардор бўлиб турмаса, нафси уни албатта Тўғри Ўйдан четга буруб кетади. Тўғри Ўйдан адашган киши зулматни ёритувчи "тақво"га асло эга бўла олмайди. У дунёга муҳаббат қўйиш оқибатида вужудга келган қоронгу зулмат ичида йўл топа олмай қолиб кетади.

Шунинг учун ҳам улуг тобиъин Маймун ибн Махрон ўз нафсини ҳисоб қитоб-қилмаган, нафсидан беҳабар шахсни тоқволик қишилар сирасига қўшмадилар. У зот раҳимахуллоху айтадилар: "Қиши ўз нафсини яқин дўстини ҳисоб-қитоб қилишидан кўра қаттиқроқ ҳисоб-қитоб қилмаса ҳамда еб-ичиши, устибоши ҳаром ёки ҳалолдан келатганлигини аниқ қилмаса тақволик қишилар қаторига асло қира олмайди". (Сифатуссафва: 4/194)

Демак инсон ўз нафсидан хабардор бўлиб турса у қучли, нуруний тақвога эга бўлади. Унинг қалбига дунё муҳаббатининг зулмати соя солган пайтда мана шу тақво билан уни қартира қилишга муваффақ бўлади.

«2 – Гуноҳ қилмоқ зулмат ва унинг қирогли тавбадир».

• **Иккинчи зулмат – гуноҳ зулмати**

Ғоҳида гуноҳ иш қойдали меҳнат, қиройли машғулот бўлиб қўринади. Бироқ, аслида у ўз соҳибини ўраб олган зулматдир. Гуноҳқор шахс буни ўзи ҳам яқини ҳис қилиб туради. Чунки, унинг ёмонликка қармон қилувчи нафси ношаръий ишга қорлаган пайтда гуноҳнинг зулмати унинг қор атрофидан қоплаб келатганлигини, у мана шу гуноҳ сабабли қайиқий бахт-саъодатдан маҳрум бўлиб қолиётганлигини яқини қилиб туради. У атрофдагиларга ўзини ҳар қанча бақли, ҳар-қанча ҳурсанд қилиб кўрсатишга уринмасин қари-қари ўзини гуноҳнинг тубсиз зулматида қолиб келатганлигини жуда

яхши сезиб туради. Хатто унинг калбини коплаб олган гунохнинг зулмати унинг юзида ҳам зохир бўлиб, озгина фаросатлик киши билиб оладиган даражада сезилиб туради.

Имом Ибн ал-Каййим раҳматуллоҳ алайҳ ўзларининг "Алжавабулкафий" номлик китобларида гунохкорлик ва гунох ишларнинг таъсирлари яъни, колдирган излари нималардан иборат эканлигини баён қилиб, калбни зулмат коплаб қолишлигини ҳам шулар жумласига киритдилар. У киши айтадилар: «Гунохнинг салбий таъсирларидан яна бири; гунохкор шахс гунохнинг зулмати унинг калбини коплаб олганлигини аниқ билиб, худди коронгу тушганлигини хис қилгани каби хис этиб туришидир. Зеро, коронгу кечанинг зулмати кўзнинг кўришига монелик қилганидек, гунохнинг зулмати калбнинг ҳақиқат нуридан баҳра олишига монелик қилади. Чунки, тоат-ибдат нур ва маъсият эса, коп-коронгу зулматдир. Унинг зулмати ортгани сари кишининг ушбу зулматдаги хайрати ортиб бораведи. Натижада ўзи сезмаган холда бидът-хурофот ва ҳалок қилгувчи амалларга тушиб қолади. У бамисоли коронгу кечада ёлғиз қолган аъмо киши каби бўлиб қолади. Бориб-бориб ушбу зулмат қучайгандан қучайиб, аввал унинг кўзига, сўнгра юзига таъсир қилади. Хатто унинг юзига қолиб қолган коралик ҳаммага ошқор кўринадиган бўлиб қолади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: "Хасана (чиройлик амал)да юзга нур, калбга зиё, ризк-рўзга фаровонлик, баданга қувват ва одамлар калбида ҳосил бўладиган муҳаббат бордир. Саййиа (ёмон амал)да эса, юзга коралик, калбга зулмат, танга заифлик, ризки-рўзга танглик ва одамлар калбида пайдо бўладиган бугзу-адоват мавжуддир"». (Алжавабулкафий)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтган, гунохнинг зулмати сабабли калбда пайдо бўлган ушбу иллатлар ҳаммаси эмас, буларни у зот мисол тариқасида келтирдилар. Улуг саҳобалардан яна бирлари Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳам, гунохнинг зулмати сабабли вужудга келадиган бошқа бир мудҳиш нарса – ҳосил қилинган илимни эсдан чиқариш ҳақида хабар бериб шундай дейдилар: "Мен, кишининг таълим олиб ўрганган билимини унутиб юборишига ўзининг амалга оширган хато (гунох) иши сабабдир деб, ҳисоблайман". (Аззуҳд / Имоми Аҳмад)

Ушбу зулмат гунохкор шахснинг калбида қучайиб бораверади. Агар уни бартараф қилишга ҳаракат қилмаса, охир-оқибат, ҳозиргина айтиб ўтилган Ибнулқаййимнинг сўзларидаги каби, унинг коралиги юзида ҳам зохир бўлиб кўриниб қолади. Ушбуни улуг, зоҳид тобиъин Сулаймон ибн Тархон ат-таймий ҳам таъкидлаб айтганлар: "Албатта инсон бир гунохни қилса, унинг юзида гунохнинг қасофати ошқор бўлиб қолади".

Гунохкор шахсинг юзида зохир бўлган бу касофат, унинг калбида гунох сабабли вужудга келган коронгу-зулматдан пайдо бўлгандир. Бу зулматни эса, унинг калбидан факатгина, тавбанинг нурли чирогигина кетказа олади.

• **Иккинчи чирок – тавбанинг чирोगи**

Аллох субханаху ва таъоло хаммани – хатто холис мўминларни хам, ушбу чирок (тавба чирोगи) ни ёкишга амр этади. Чунки, нажот сабаблари тавба чирогини ёкиб, унинг нури билан зулматда колган калбларни мунаввар этишда эканлиги маълуму-машхурдир. Аллох таоло айтади: **«...Барчаларингиз Аллохга тавба килинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар».** (Нур: 31) Аллох таоло ушбу оятда нажотни яъни, охиратда козанилажак галабани тавбага боғлик килиб кўйди. Аллох таоло макбул бўлажак тавба насух – холис бўлишлиги шартлигин баён килиб айтади: **«Эй мўминлар, Аллохга холис тавба килинглар...»** (Тахрим: 8)

Демак насух – холис тавба барчамизга лозиму-лобуд амал экан. Барча гунохлари магфират этилган, маъсум зот пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи ва саллам хар куни тавба ва истигфорлар килишларини баён килиб айтадилар: "Аллохга касамки, мен бир кунда, албатта, Аллохга етмиш мартадан ортик истигфор айтиб, унга тавба киламан". (Имом Бухорий ривоятлари). Имом Муслимининг ривоятларида эса: "Албатта, мен бир кунда юз марта тавба киламан", деб – айтганлар. Демак, гунохлари магфират этилган, инсонларнинг энг афзали пайгимбар соллаллоху алайхи ва саллам шу даражада тавба ва истигфорлар килиб турганларида хамда Аллох таоло Ўзининг китобида мўминларни холис тавба килишга фармон килиб турганда гунох амални килиб, унинг коронгу-зулматига тушуб колган шахслар тавбанинг нурли чирогига бошкалардан кўра кўпрок хожадманд эканликлари маълум бўлади. Чунки, ушбу чирок уларнинг калбларини забт этиб олган гунохнинг зулматини тор-мор этиб, уни илохий таълимотни кабул килишга ва бутун аъзолари билан солех амалларни сидки дилдан бажаришга шай килиб кўяди.

Ушбу чирокнинг нури ўчиб колмаслиги учун уни ўз вақтида ёнилги билан таъминлаб туриш лозим. Бу таъминлаш эса, талаби илм ва сабр килиш билан амалга оширилади. Чунки, инсон илм билан гунох ва савоб ўртасини фарклашга эга бўлса, сабр билан ушбу йўлда йўликиши мумкин бўлган кийинчиликларга бардош бериб, гунох ишлардан йироклашишга муваффақ бўлади.

Мана шу ўринда Имом Нававий ўзларининг "Риёзуссолихин" номли китобларида тавба ва унинг шартлари хақида айтган сўзларини келтиришни лозим топдик. У зот раҳимахуллох айтадилар: «Уламолар айтишади: "Барча гунохлардан тавба килмок вожибдир.

Агар килинган гунох хаккулабд(банданинг хакки – инсон хукуки)га доир бўлмай, Аллох билан банданинг ўртасида воқеъ бўладиган гунох бўлса, ундан тавба килишда уч нарса шарт килинади;

1 – Мана шу гунохдан буткул ажралиш.

2 – Шу гунох амални қилганлигидан пушаймон бўлиш.

3 – Мана шу гунох амалга асло қайтмасликка азми-қарор қилиш.

Агар ушбу шартлардан бирортаси амалга оширилмай қолса, қилинган тавба ҳисобга ўтмайди. Агар қилинган маъсият инсон хукукига доир бўлса, унда, тавбага тўрт нарса шарт килинади; аввал айтиб ўтганимиз учта шартга қўшиб тўртинчи шарт – ҳақ эгасини рози қилиш. Масалан: мол ва шу қаби нарсаларни тортиб олган бўлса, уни эгасига қайтариш. Агар унинг ҳақига бўхтон қилган, ёки бирор маънавий зарар етказган бўлса, унга берилажак шаръий ҳукмга иттиъат этиш ёки ҳақ эгасидан афв этишини илтимос қилиш. Агар бировни гийбат қилган бўлса, гийбат қилинган шахс ҳузурига бориб, қилган хотосини этироф этиб, ундан узр сўраш.

Агар қилган гунохлари турлича бўлиб, уларнинг баъзиларидан тавба қилиб, баъзиларидан қилмаган бўлса, қилган тавбаси ана шу тавба қилинган гунохга нисбатан ҳисобга олинади, қолган гунохларга қилинишлиги вожиб бўлаган тавба ундан соқит бўлмай туради.

Тавбанинг вожиб эканига китобу суннат ва умматнинг ижмосидан етарликча зохир далиллар мавжуд». (Шу ерда Имом Нававийнинг гаплари тугади)

Умар ибн ал-Хаттоб "тавбаи насух – ҳолис тавба"ни мана бундай сифатлаганлар: «Тавбаи насух – ҳолис тавба; "банда бир гунох ишдан тавба қилганидан кейин, соғиб олинган сўт елинга қайтиб қирмаганидек, у ҳам ўша гунох ишга қайтиб қадам босмаслигидир"».

Биродарлар! Юқоридаги тавба ҳақида айтганларимиздан маълум бўладики, қачонки нусух – ҳолис тавба қилидиган бўлсак, қилган тавбамиз ўзининг зиёси билан нурли чирок қаби қалбимизни қоплаб олган гунох ишларнинг қоронғу-зулматини тарқатиб юборади. Аллох таоло ҳаммаларимизни "насух – ҳолис тавба" қилишга муваффақ айласин!

«3 – Қабр зулмат, Ла илаҳа иллаллоҳ Мухаммадурросулulloҳ унинг чирогидир».

Учинчи зулмат: Қабрдаги зулмат

Юқорида баён қилиб ўтганимиз; биринчи ва иккинчи зулматлар маънавий зулматлар эди. Аммо қабрда бўладиган зулмат эса, ҳиссий – ҳақиқий зулматдир. Гўр деб аталмиш бу қоронғи ўрага мадфун этилган, бу дунёни тарқ этиб, охираат сари ўз сафарини бошлаган шахс унда ёру дўстлари, бола-чақалардан жудо бўлиб то қиёмат қоим бўлгунга қадар танҳо қоладиган жойдир. Хешу таборлари уни дафн

этиб кайтишгач, саноглик кунларгина ёдга олиб турадилар. Кунлар утиб борган сайин уни ёдларидан чиқара боришади. Эслашса ҳам, согинчдан келиб чиқиб эмас, шунчаки, бирор муносабат сабаблигина эслашади. Шоир Хазиний ушбу манзарани ажойиб бир сўратда назмга солган эдилар. Сиз ҳам бир ўқиб кўринга!:

Аёгинг остига бокгил, хама ер ичра пинхондур,
«Манам шундек бўлурман» деб, санинг парвойинга келмас.

Лахад ичра ётурсан ёзу киш ўтгонини билмай,
Ўгул-киз, ёру дўстинг келиб сандан хабар омас.

Сан ўлгон сўнг хама фарзандларинг молингни олгайлар,
Санинг холинг нечук кечгай каро ерда, булар билмас.

Ўлум ёшу кари, шоху гадоларга баробардур,
Билинг, жон олгучи элни назарга заррача илмас.

Ха азиз дўстлар! Инсон ҳаётлик чогида хайрли ишларни амалга ошириб, садакаи жорийилар килиб кетган бўлса, уни ёдга олинишида шубҳа йўқ. Бирок умрида мусулмонларга манфаъати етмаган, ўзидан кейин, тирикларга нафи етиб турадиган хайлик бир иш қилмаган шахс эса, тезда унитилиб юборида. Уни, бегоналаргина эмас, хатто ўзининг фарзандлари ҳам тезда эрдан чиқариб юборурлар.

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган